

Маърифатпарварлик-биз учун бугун ҳам ўз аҳамитини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл- заковатли юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимиздаги мақсадимизга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечолмасак, тоат-ибодатларимиз бир пул; тараққиёт ҳам, келажак ҳам фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди, шундай экан мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур» И.А. Каримов.

КИРИШ

Буюк мустақиллигимиз туфайли миллий маънавият ва маърифат янгидан кўз очаётган бир даврда мафкурамизни ривожлантиришда Халқимизнинг умрбоқий санъат тарихини кенг ёритиш мусиқа меросимизни ўрганиш ва уни санъатсевар Халқимизга етказиш муҳим ўрин тўтади.

Айниқса, бу даврда ўлмас меросимиз устоздан шогирдга ўтиб келган Халқ анъанавий ижрочилик мактаби асосий манба саналади. Халқимизнинг бебаҳо бойлиги мусиқа меросимиз ўзининг бой тарихига эга бўлиб давр ўтгани сари уни ўрганишга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бизга маълумки миллий истиқлол мафкурасини

Халқимиз қалби ва онгига сингдиришда муסיқий меросимизни ўрганиш миллий қадриятларимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг ўрни катта. Мустақил Ўзбекистон ўзига хос ва ўзига мос истиқлол ва тараққиёт йўлидан бораётган ҳозирги даврда тоталитар тузумдан мерос бўлиб қолган маънавий инқирозга хотима бериш, кишиларнинг онги ва дунёқарашида янгича тафаккур маданияти шакллантириш кечиктириб бўлмайдиган ижтимоий вазифадир. Тарих тажрибаси шуни кўрсатадики, ўзи мансуб бўлган Халқ тарихини, унинг маданияти, анъаналари, урф-одатлари, тафаккур тарзини билмаган киши ўзини англай олмайди. Ўзлигини англамаган инсонда миллий орият ва ғурур бўлмайди. Миллий ғурури бўлмаган инсон тобеликка мойил бўлади. Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра дахшатлидир¹»

Абдулла Авлоний шундай деб ёзади «Ақл инсонларнинг пири комили, хуршиди яғонасидир. Рух ишловчи, ақл бошловчидир». Улардан бири: «Агар ақлнинг қули нафсингни жиловини ушласа, уни ёмон йўллардан сақлар. Ҳар нарса кўп бўлса баҳоси арзон

¹ И.Каримов жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т.: Ўзбекистон

бўлур, ақл эса илм ва тажриба соясида қанча кўпайса, шунча қиммат баҳо бўлур дермиш». Шунинг учун ҳам ақл-заковат маънавият асоси ҳисобланади.

Ёшлар жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий янгилашнинг муҳим субъектларидан бўлиб, турмушида рўй бераётган жараёнларга ўз таъсирини ўтказди ва тараққиётни ҳаракатга келтиришда муҳим роль ўйнайди. Мамлакатимизнинг эртанги куни қандай бўлиши ёшларнинг ҳар томонлама салоҳияти ва етуқлигига боғлиқ. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, ёш авлод маданиятимиз ва маънавиятимизни, тараққиётининг интеллектуал кадариятларини келажак жамият аъзоларининг онгига етказди.

Ёшлар бундай маъсулиятли вазифани бажаришлари ва уларнинг эркин ривожланиши ижодий бунёдкорлик фаолиятига қулай имкониятлар яратиб бериш учун Ўзбекистонда катта амалий ишлар қилинаяпти.

Ёшларнинг ақлий қобилиятлари ва имкониятларини юзага чиқариш муаммоси — уларни маънавий камол топтириш, меҳнат фаолиятида шахсий ижтимоий манфаатларни уйғунлаштириш, Ватан тараққиёти эҳтиёжларини англаб яшаш, меҳнат қилишга

ўргатиш бизнинг аниқ ва муҳим вазифамизлар. Халқимизда яхши нақл бор: «Ақл орзуси – билим» деган. Ақлий фаолиятга қобилиятли бўлган, ақлий истъдод билан бошқалардан ажралиб турадиган айрим ёшларни махсус тафаккур методларига ўргатиш ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Янги замонавий илмий-техникавий тараққиётини зукко, олий тафаккур хислатларига эга бўлган ёшларимизсиз тасаввур қилиш қийин. Шу сабабли олий ўқув юрларида, ёшлар ташкилотларида, ўрта махсус ва умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари орасида илмий тафаккур талаб қиладиган, унинг хислатларини ривожлантирадиган, такомиллаштирадиган махсус машғулотлар олиб бориш ва шу соҳани яхши ўзлаштирган мутахассислар тайёрлаш барча ўқув муассасаларида оммавий равишда олиб борилиши лозим.

Ижод кишига кўтаринки рух бағишлайди, билим жараёнининг ўзи кишини юксакликка етаклайди. Сидқидилдан берилиб, у ёки бу нарсани, воқеликни ўрганаётган киши ўзини енгил хис этади, қанотларини кенг ёзиб, баланд осмонда парвоз этаётгандек хис этади. чунки у ўтган даҳолар билан ҳаёлан сўзлашади, мунозара қилади. Бундай кишилар ўз билимларига, ақлий имкониятларига

ишонадилар, топширилган вазифаларни енгил ва қойил қилиб бажарадилар, тез фурсатда эл орасида ўзларининг зукколиклари, иш кўзини билишлари билан танилиб қоладилар. Юртбошимиз таъкидлаганидек «Маънавият инсоннинг, Халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-кудратидар. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди»¹. Маънавият кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий бадий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуидир. Маънавият - мафкура, тафаккур тушунчаларига яқин ва улар бир-бирларини тақазо этадилар. Маънавият инсоннинг бутун умри давомида унинг кучига куч қўшадиган ақл идроки заковатини кенгайтирадиган ва мустаҳкамлайдиган воситадир. Маънавиятимиз - Ўзбекистоннинг порлоқ келажагига дадил ишонч билан бораётганлиги, Халқимизда юксак инсорпарварлик қадриятлари тикланаётганлиги ва такомиллашаётганлигини ифодаловчи ўзига хос дунёқарашидир. Ўзбекистоннинг келажакда буюк давлатга айланиши, мустақиллигимизнинг тақдири, миллий истиқлолимизнинг тақдири - миллий истиқлолимиз посбонлари бўлган ёш авлодларимизнинг куч-ғайратли, ақл-идрокли, етук, билимдон, амалий тайёргарликка эга бўлишига ақлий, жисмоний,

¹ Арабча “маънавий”-маънолар мажмуи.

маънавий-маданий камолатга эришувига боғлиқдир. Ёшлар-
ватанимиз, миллатимиз келажагидир. Улар ўз зиммаларига
юкланаётган масъулиятни англаб етишлари, чуқур хис қилишлари,
унга муносиб бўлишлари шарт. Президентимизнинг Ватан
манфаатини мустақиллик манфаатини ҳамма нарсадан юқори
қўядиган, қалбида ўти ва эрк туйғуси жўшиб турган, ғайратли
билимдон ёш кадрлар тайёрлашга алохида эътибор бериб
келаётганлиги, уларга катта умид ва ишонч билан қараши, қўллаб-
қувватлаши бежиз эмас. Президентимиз И.А.Каримовнинг
асарларидаги бебаҳо назарий қоидалар, дастур, йўл-йўриқлар,
Халқимизнинг, айниқса ёш авлоднинг ғоявий, сиёсий, маънавий
маърифий дунёқарашини шакллантириш ва фаоллаштиришда
аҳамияти катта бўлган донишмандлик намунасидир. Ота-
боболаримиз бизга қолдирган бой илмий мерос, келажак авлоднинг
тафаккур, дунёқарашини, миллий ва умуминсоний қадриятлар
асосида шакллантириб, уларнинг бунёдкорлик фаоллигини
оширишда мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлашнинг асосий
гаровидир. "Халқнинг маънавияти ва маданияти унинг, ҳақиқий
тарихи ва ўзига хослиги - деб ёзади Президентимиз И.А. Каримов
кайта тикланаётганлиги, жамияти уни янгилаш ва тараккий

эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда хал қилувчи, таъбир жоиз бўлса белгиловчи аҳамитга эгадир¹. Халқимизнинг буюк фарзандлари жаҳон маданиятига ақл бовар қилмайдиган даражада таъсир кўрсатган. Биргина Фаробийнинг 160 дан ортиқ асарлари жумласига «Шеър санъати», «Шоирларнинг шеър ёзиши тўғрисида», «Муסיқа ҳақида сўз», «Оҳанглар таснифи ҳақида китоб» киради. Фаробий барча инсонларни бахтга эришиш учун ҳамкорликка чақиради.

Унинг фикрича ҳар қандай инсон камолатга эришувида бошқаларнинг кўмаклашувларига ва улар билан бирлашишга мухтож ёки мажбурдирлар.

¹ И.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир III том Т. Ўзбекистон 1996 й 274-бет

МАВЗУНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг юксак потенциал имкониятларини намоён қила бошлади. Халқаро аренада тенг ҳуқуқли давлатлар Ўзбекистон ўзининг тарихан бой, шарқона бетакрор анъаналар ва маданиятга эга бўлган мамлакат эканлигини бирин-кетин тан ола бошладилар.

Президентимиз И.А. Каримов иқтисодий ислохатларнинг янги даврига хос вазифаларини белгилаб берар экан, у шундай дейди: «Тараққиёт тақдирини маънавий жихатдан етук одамлар хал қилади. Техникавий билим, мураккаб техникани эгаллаш ижтимоий маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга эришиш керак, ақл заковат ва рухий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир».

Маънавият масаласи ижтимоий ҳаётимизнинг энг асосий масалаларидан бирга айланиб бораётган ҳозирги Халқ урф-одатларини тиклаш авлодини миллий анъаналаримиз руҳида тарбиялаш ўз долзарблиги билан ечимини топиши зарур бўлган биринчи даражали вазифа ҳисобланади. Халқимизнинг қадимий маънавий бисоти хилма-хил шаклда турли қадимий архитектура

ёдгорликлари, хайкаллар, расмлар, анъанавий урф-одатлар ва бошқа тарзда авлоддан авлодга ўтиб келган.

Аждодларимиздан эсталик бўлиб қолган халқ оғзаки ижодиёти ва Халқ кўшиқлари шундай маънавий бисотимизнинг бир қисмини ташкил этади. Ёш авлодга миллий рух, бағишлайдиган бу улкан меъроснинг салмоқли бир бўлагини Халқ кўшиқлари ташкил қилади. Халқимизнинг миллий рухиятини ўзига сингдирган ва ёш авлоднинг илмига миллий анъаналари руhini олиб кирадиган бу ҳофизлар ижро этган Қўшиқларни ёшлар тарбиясига тадбиқ этиш кўп жихатдан мукаммал ўрганилган эмас. Бу эса, шу соҳанинг мутахассиси бўлган ўқитувчи устозларга катта маъсулият юклайди. Бўлажак устозлар, хусусан мусиқа куллиёти бакалаврлари Халқ ҳофизлари томонидан ижро этилган Халқ кўшиқлари ўрта ва олий мусиқа ўқув юртларида ўтган ўн йиллар давомида мукаммал ўрганиб келмокда. Янги стандартлар асосида тузилган ўқув режаси, ўқув дастури ва дарсликларда бакалаврларга ўтган Фарғона водийси ҳофизлари ҳаёти ва улар ижро этган Халқ кўшиқларини ўрганиш уларнинг онгига миллий рухни сингдириш учун зарур бўлган барча шароитлар яратиб берилган. Олиб борилган илмий изланишларимиз, кузатувчилар ва тажибаларимиз

бакалаврларга Халқ қўшиқларини ўрганиш республикамиз институт ва университетларнинг мусиқа куллийётларида маълум даражада йўлга қуйилганлигидан далолат беради.

Аммо устозларнинг бу соҳада ортирган тажрибалар йиғиндиси етарлича умумлаштирилмаган миллий урф-одатлар ва анъаналарнинг тўб мазмунига бориб етмаслик, Халқ психологияси, унинг тарихий яшаш тарзи, миллий қўшиқчилик анъаналари ва Халқ мусиқасининг ўзига хос хусусиятларини билмаслик, унинг асосий томиридан яшаш манбасидан ажратиб қўйишга олиб келиши табиий, хатарли бир ҳолдир.

Бугунги кунда ёшларга шундай илмий-амалий йўлланмалар бериш керакки, бу уларнинг ўзларини такоммиллаштиришлари, маънавий ўсишлари, ҳаёт йўлларини танлашда масулиятли қарорлар қабул қилишда қўмаклаша олиш керак.

I.БОБ. Ўқувчиларда миллий анъаналарни ўзлаштиришга

бўлган зарурият.

1.1. Мусиқа маданияти дарсларида миллий-маънавий эҳтиёжларни аниқлаш.

Жамият ҳаёти ва таълим соҳасида рўй бераётган туб ўзгаришлар ўқувчи шахсининг миллий – маънавий қадриятларни эгаллаш эҳтиёжларини аниқлаш в уни қондириш заруриятини вужудга келтирмоқда. Ўқувчиларда энг аввало миллий – маънавий қадриятларни ўзлаштиришга бўлган зарурат ва талабни қарор топтириш лозим. Улар ўз фаолиятларида миллий – маънавий қадриятларга нисбатан зарурият ва мухтожликри ҳис этишлари керак. Шу зарурат туфайли ҳам 5-9 синф ўқувчиларининг ўз-ўзларини тарбиялашлари миллий –маънавий жихатдан такомиллаштиришлари каби масалалар педагогик нуқтаи назардан алоҳида долзарблик касб этмади. Бунда бадиий адабиёт , тарих , миллий санъат ва маданият намуналаридан фойдаланишга аҳамият келинди.

Ваҳолангки ўқувчилар бу даврда ўзларини таниб англаб борадилар, уларнинг ички маънавий олами очилади. Бу

даврда ўқувчи ҳаётида маъсулиятли бўлиб қанда
ўқувчиларда миллий ахлоқ қўникмалари таркиб
топтирилади , ўзи , атрофдагилар ҳамда жамият
аъзоларига нисбатан қарор топади. Бу эса маскур 11-
16 ёшдаги ўқувчиларнинг асосий майлларини ташкил
этади. Булар ўзини-ўзи англаш ўзлигини номоён этиш ,
ўзлигини таъкидлаш ва тасдиқлатиш ўзини тадбиқ
қилишга бўлган кучли интилишлар орқали номоён
бўлади. Мактабдаги мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш
натижалари шуни кўрсатмоқдаки 5 -9 синф
ўқувчиларида моддий бойликларга эга бўлиш истаги
маънавий қадриятларни эгаллаш истагидан кучлироқдир .

Албатта ҳар қайси халқ ёки миллатнинг
маънавиятини унинг тарихи , ўзига ҳос урф-одатлари
ва анъаналари , ҳаётий қадриятлардан айри ҳолда
тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада табиийки , маънавий
мерос , маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар
энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда педагог-олимлар ўқувчиларнинг миллий
қадриятларни эгаллашга бўлган эҳтиёжларни

шакллантиришнинг муҳим билиш жараёни билан боғлиқ ижтимоий , эстетик , ахлоқий , тарихий , маданий жihatларига алоҳида эътибор қаратишлари лозимлигини кузатишларимиз яққол кўрсатди.

Юқори синф ўқувчиларида маънавий эҳтиёжни ўқулантиришнинг педагогик йуллари С.А Гуревич ва Е. В. Квятковскийлар томонидан қисман тадқиқ этилган. Эҳтиёж , шу жумладан қадриятларни эгаллашга бўлган маънавий эҳтиёжни шакллантиришнинг педагогик воситалари ҳамда ўз – ўзини такомиллаштириш масалалари Л.С.Нечепоренка томонидан ўрганилган.

Юқорида баён этилган фикрларга асосланган ҳолда шуни такидлаш керакки, Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида вужудга келган зарурият билан миллий-маънавий қадриятларни эгаллаш эҳтиёжини шакллантириш жараёни орасидаги қарама-қаршиликни бартараф этиш учун ягона мақсадга йўналтирилган 5-9- синфларнинг миллий-маънавий қадриятларни эгаллаш эҳтиёжини шакллантиришга қаратилган педагогик тизимни

вужудга келтириш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бир қаторда, 5-9- синф ўқувчиларида миллий-маънавий қадриятларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни шакллантириш стратегияларни аниқлаш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш воситалари, усул ва методларни белгилаб бериш ҳам муҳим вазифалардан биридир.

Бу борада қуйидаги муоммоларни ечиш зарурияти туғилмоқда: 5-9- синф ўқувчиларида миллий-маънавий қадриятларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни шакллантиришнинг илмий педагогик асосларини белгилаб бериш, ўқув – тарбия жараёнида 5-9- синф ўқувчиларида миллий-маънавий қадриятларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни шакллантиришга йўналтирилган педагогик тизимни вужудга келтириш кабилар.

Бугунги кунга келиб шахс маънавияти ҳамда маънавиятлилик даражаси ҳақида жуда кўп гапирилмоқда. Бу соҳада талайгина илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Бу ишлар, шубҳасиз таълим олувчилар маънавиятини, уларнинг эҳтиёжлари даражасида шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Бироқ, ушбу йўналишдаги аксарят ишларда

маънавият тушунчачи, уни ўқувчи онгига етказиш, у ёки бу ўқув
предмети доирасида таълим олувчилар маънавиятини
шакллантириш ҳақида фикр юритилган. Шунинг учун ҳам
бугунги кунда ўқувчи шахси маънавиятини шакллантиришда
муҳим ўрин эгаллайди. Бироқ, ушбу йўналишдаги аксарият
ишларда маънавият тушунчаси, уни ўқувчи онгига етказиш, у
ёки бу ўқув предмети доирасида таълим олувчилар
маънавиятини шакллантириш ҳақида фикр юритилган.
Шунинг учун ҳам, бугунги кунда ўқувчи шахси маънавиятини
шакллантиришнинг муҳим жихатлари, жумладан, улар миллий-
маънавий кадрятларни эгаллашга бўлган эҳтиёжларни таркиб
топтириш орқали, ўқувчиларнинг маънавиятини шакллантириш
устида изчил, тизимли тадқиқот ишларини амалга ошириш
муҳимдир.

Ўқувчиларда миллий-маънавий кадрятларни эгаллаш
эҳтиёжларини шакллантириш муаммосини педагогик,
психологик, фалсафий жихатдан чуқур таҳлил этиш лозим.
Маънавият тушунчаси ўзида бир қатор тушунчаларни
муҳассамлаштиради. Турли илмий манбаларда маънавий
эҳтиёж тушунчасига турлича таъриф берилади. Жумладан,

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов маънавият тушунча қуйдагича таъриф беради: “маънавият - инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймом-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир. У ўз фикрини давом эттириб қуйидагиларни таъкидлайди: “Менинг назаримда, “маънавият” тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади. Шунинг учун ҳам бу мавзуда фикр юритганда, мазкур қарашларнинг барчасини умумлаштириб, кенг манода “маънавият” тушунчаси орқали ифода этиш мумкин”.

Ўзбекистон Миллий энсиклопедиясида маънавият тушунчаси қуйидагича изоҳланган: Маънавият –“мано” сўзидан олинган бўлиб, инсон руҳий ва ақлий оламини ифодаловчи тушунча. У кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, ахлоқий, диний тасаввурларини ўз ичига олади”.

Маънавият тушунчаси таркибига кирадиган турли тушунчалар, ўқув предметлариаро муносабатлар орқали кенгайиб, бойиб боради. Инсоннинг маънавий дунёсини

ҳамда ўзига ҳослиги вужудга келадиган маънавий
эҳтиёжларининг асосини ташкил қилади. Шунинг учун
ҳам биринчи навбатда, ўқувчилар миллий-маънавий
қадирятларини егаллаш еҳтиёжини вужутга
келтирадиган манбаларни аниқлаш лозим. Миллий-
маънавий қадирятлар тушунчаси миллий, диний, тарихий
тушунчалар билан бевосита боғлиқдир. Миллий-маънавий
қадирятлар тушунчаси ўзбек халқи маданияти, диний
қарашларини егаллаш еҳтиёжи билан чамбарчас боғлиқдир.
Чунончи диний қарашлар ва диний еътиқод инсонни
поқлайди, унинг руҳиятини енгиллаштиради инсоннинг ички
дунёси ва руҳиятига кучли таъсир кўрсатишда ислом дини
кенг имкониятларга ега. Диний қарашларда инсон жисми ва
руҳияти, яхшилик ва ёмонлик, гуноҳ ва савоб қарама-қарши
қўйилиб, бу тушунчалар инсонни маънавий
такмиллашувига чорлайди. Биз ўз тадқиқотимиз давомида
ўқувчи руҳияти ва унинг маънавий покланишига бўлган
эҳтиёжларини шакллантириш муаммолари устида ҳам
тўхталамиз.

1.2. Мусиқа орқали ўқувчиларда миллий – ахлоқий фазилатларни шакллантириш.

Ўқувчиларда миллий-маънавий кадрятларни эгаллашга бўлган эҳтиёж уларни инсоннинг табиий имкониятларини тўла англаб етишга ундайди. Ўқувчи ўзининг жисми, руҳияти, қалби ва маънавиятининг бир бутун, яхлит ҳодиса эканлигини англаб етади. Чунки инсонда 3 та аниқ бирлик мавжуд- бу жисм, қалб ва руҳиятдир. Биз бу учлик орасида руҳият тушунчасига алоҳида тўхталамиз. Чунки ўқувчида миллий-маънавий кадрятларни эгаллаш эҳтиёжи, руҳиятига педагогик таъсир кўрсатиш орқали шакллантирилади.

Ўқувчиларда миллий-маънавий кадрятларни эгаллаш эҳтиёжини шакллантириш ҳақида фикр юритганда, эътиборимизни энг аввало, ўзбек халқининг менталитети билан боғлиқ жиҳатларига қаратамиз. Минталитет- (лотинча mentalis-ақлий) – айрим киши ёки ижтимоий гуруҳга хос ақлий қобилият даражаси, маънавий салоҳият. Жамият, миллат ёки шахснинг минталитети, уларнинг ўзига хос тарихий анъаналари, урф-одатлари, диний эътиқодини ҳам қамраб олади. Ҳар бир миллатнинг минталитети унинг тарихи, яшаб

турган шарт-шароити, ижтимоий фаоллиги ва бошқа бир қанча омиллар билан боғланган бўлади.

Чунки ушбу тушунчанинг таҳлили ўқувчиларда миллий-маънавий қадриятларни эгаллаш эҳтиёжини шакллантириш тизимини вужудга келтириш учун ниҳоятда муҳимдир. Ўзбек халқи миллий минталитетинг асосини исломий эътиқод ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзбекона минталитетнинг ўзига хос жиҳатлари устида тўхталиб, қуйидаги фикрларни баён этади: “Ота-боболаримиз неча асрлар мобайнида шу бепаён минтақада қандай ҳамжиҳат бўлиб, қандай қадриятлар асосида яшаб келган бўлса, бугун ҳам таъбир жоиз бўлса тарих ва ҳаёт гардишини, табиатининг ўзи бизни –бугун Ўрта Осиё халқларини аёнан ана шундай дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ҳаёт кечиришга даъват этмоқда.

Ўқувчиларда миллий-маънавий қадриятларни эгаллаш эҳтиёжини шакллантиришнинг таълим-тарбия самарадорлигини таъминлаш учун муҳимлиги ҳақида фикр юритиш давомида, маънавиятлилиқ ҳақидаги қарашларимизни ҳам баён этишга ҳаракат қиламиз.

Маънавий баркамолликка эришиш ғояси бугунги кун таълим тизими учун ҳам бош мақсад ҳисобланади. Инсондаги кўплаб “мен”ларнинг уйғунлашуви, уларнинг ҳаёт фаолиятлари таълим жараёнида амалга ошади ва марказлашади.

Миллий қадриятларни эгаллаши натижасида инсон маънавияти юксалади.

Ўқувчиларда миллий-маънавий қадриятларни эгаллаш эҳтиёжни шакллантиришда қуйидаги йўналишларни алоҳида ҳисобга олиш лозим:

1. Қадриятли йўналишлар ва ижтимоий фикрлар ;
2. Миллий-маънавий қадриятларни эгаллаш эҳтиёжи ва ижодининг инсонни қўзғатувчи кучи;
3. Ўз-ўзини ривожлантиришнинг юқори нуқтаси;
4. Атроф-муҳитга нисбатан аниқ фаолият кўрсатишга тайёрлик ва унга лаёқатлилиқ кабилар.

Бугунги кунда педагогика фани шахс ривожланишининг турли -туман имкониятларни ўзаро фарқлашга киришмоқда. Бу тизимда ижтимоий, жисмоний, руҳий имкониятлар билан бир каторда, маънавий йўналишлар ҳам ажратилмоқда .

Ўзбек халқ педагогикаси ва таълим-тарбия назариясида

асрлар давомида шахс маънавиятини шакллантиришга алоҳида эътибор берилган. Гарчанд миллий маънавий қадриятларни эгаллаш эҳтиёжи атамаси қўлланилмаган бўлсада аجدодларимиз ёшларда гўзаллик ахлоқ-одоб меъёрларини эгаллаш эҳтиёжини таркиб топтиришга алоҳида эътибор қаратганлар. Шахсни маънавий такомиллаштириш ғояси ўзбек халқ педагогикаси тарихида алоҳида ўрин эгаллаб келган. Буни Урхун-Енисей ёзма ёдгорликлари, муқаддас "Авесто", "Девону луғатит-турк", тасаввуф таълимоти, айниқса нақшбандия тариқати мазмунида яққол кўриш мумкин. Мазкур обидалар маънавий тарбия, маънавий эҳтиёж маҳсули эканлиги, у шахслараро маънавий мулоқотда номоён бўлиши асослаб берилган. Маънавий эҳтиёж инсоннинг тараққиётини таъминловчи педагогик омил эканлиги баён қилинган.

Ўқувчиларда иллий-маънавий қадриятларини эгаллаш эҳтиёжи шакилланишининг учунчи босқичи, эҳтиёжларининг ўзоро узвий таризда бир-бирини тақозо қилиши билан изоҳланади. Шу тариқа ўқувчиларда шакллантириладиган миллий-манавий қадриятларини эгаллаш эҳтиёжининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш мумкин. Чунончи:

1. Ўқувчиларда шакиллантириладиган миллий-маънавий кадриятларни эгаллаш эҳтиёжи ўзининг аниқ мазмун-моҳиятига эга.

2. Ўқувчиларнинг миллий-маънавий кадриятларнинг эгаллаш эҳтиёжини англашлари, уларнинг ўзига хос хиссий ҳолатлари билан боғлиқ

3. Ўқувчиларнинг ҳис-ҳаяжонли ҳолатлари миллий-маънавий кадриятларни эгаллаш эҳтиёжларини қаноатлантириш имконини беради.

4. Ўқувчилардаги миллий-маънавий кадриятларни эгаллаш эҳтиёжининг қондирилиши, уларнинг ҳис-ҳаяжонларини пасайтириш ёки бартараф етишга кўмаклашади.

Шу тариқа эҳтиёжлар табиий , ижтимоий ҳамда маданий эҳтиёжлар тарзида ўзаро фарқланади. Ўу бтлан бир каторда, А. Г. Кавалёв томонидан таклиф этилган гуруҳлашда эҳтиёжлар моддий, маънавий, жамоавий эҳтиёжлар тарзда изоҳланади. Бугунги кунга қадар ўқувчининг маънавий дунёсининг бойитишда муайян чегаралар мавжуд эмас. Бу эса инсоннинг ҳаётий фаолияти ва ижтимоий турмуш тарзи билан боғлиқдир.

Инсоннинг моддий эҳтиёжлари у ишлаб чиқарган буюмларда акс этса, маънавий эҳтиёжлари интеллектуал. Маданий фаолиятларида намоён бўлади.

Маънавий эҳтиёжларни таҳлил қилиш натижасида унинг мавжуд қирралари аниқланади. Бу шундан далолат берадики, маънавий эҳтиёжлар- бу идеал нарсалар ва ҳодисалар ҳамда шундай нарса ва ҳодисаларни яратиш фаолиятини эгаллашга бўлган эҳтиёждир. Демак, биз ўқувчиларда энг аввало, миллий-маънавий қадриятларни эгаллаш ва жамият аъзоларини фаровон ҳаёт кечириши учун зарур кадрли нарсаларни яратиш фаолиятини эгаллаш эҳтиёжини шакллантиришимиз лозим.

Ўқувчиларда миллий-маънавий қадриятларни эгаллаш эҳтиёжини шакллантириш натижасида, уларда ахлокий жиҳатдан такомиллашиш мақсади ҳосил бўлади. Ахлоқий идеаллар эса, ўқувчиларнинг ўз ҳулқ-атворлари, хатти-ҳаракатларини жамият аъзоларининг манфаатлари асосида таркиб топтиришни тақозо қилади. Яхшилик, ёмонлик инсон мақсадларининг моҳиятини очишга хизмат қилади. Ўқувчининг маънавий эҳтиёжига айланган олий мақсадларга

эришиш, унинг ўз “мени” ва ўз олдига қўйган мақсадига эришиш йўлларини ифодалайди.

1.3. Муסיқанинг инсон ва жамиятдаги ўрни.

Ўқувчиларда таълим-тарбия жараёнида аجدодларимиз томонидан яратилган маънавий бойликларни, миллий қадриятларни эгаллаш мақсади шакллантирилгандагина бу мақсад миллий-маънавий қадриятларни эгаллаш эҳтиёжини вужудга келтиради. Ўқувчини олий мақсадга эга бўлишлари, уларнинг маданиятлиликлари ва маънавиятлиликлари мезонидир.

Ўқувчининг ўзига хос идеалга эга бўлиши натижасида унинг умуминсоний, ижтимоий руҳияти намоён бўлади. У ўзининг олий даражадаги ҳаётий фаолияти режасини тузади. Бу режада ўқувчининг маданий-маънавий эҳтиёжлари, интилишлари акс этган бўлади. Чунки миллий-маънавий қадриятларда жамият аъзоларининг тафаккури, аجدодларнинг олий мақсади, интилишлари ва эҳтиёжлари ўз ифодасини топган.

Маънавий эҳтиёжлар ўқувчининг ҳолатини белгилайди. Улар ўқувчиларни олий маданий мақсадлар сари етаклайди.

Ўқувчининг гўзалликка интилиши натижасида уларнинг бадий диди, ҳиссиётлари, дунёқараўлари, савиялари, нуқтаи назарлари, эҳтиёжлари. Ижодий фаолият кўникмалари таркиб топади. Нафосат сирларини эгаллашга интиладиган ўқувчилар ундан завқлана олишлари билан ажралиб турадилар. Гўзалликни эгаллашга бўлган эҳтиёж энг аввало, ўқувчининг ундан завқлана олишида намоён бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай эҳтиёж босқичларга эга бўлади.

“Қадрият” тушунчасининг илмий истёмолга олиб кирилганига кўп вақт бўлмаган, аммо унинг негизи, субстанционал моҳияти инсоннинг ижтимоий фаолияти еканлиги мудом еътироф етилади. Антик давр мутаффаккирларида “қадрият”, “қадр”, “қадрлаш” тушунчаларини ижтимоий борлиқ, инсон фаолиятининг баҳоси, баҳоланиши, боршқалар томонидан маълум

бир нормалар асосида қадрланиши тарзида тушунганлар. Масалан, Аристо телнинг фикрига кўра, қадрият ҳодисаларга баҳо, муносабат, яхшилик ва ёвузлик, қиммат тушунчаларида,

шунингдек, инсондаги соғлиқ, куч-қувват, гузаллик сифатида талқин қилинади. Мутаффақкир қадрият сўзини “ Инсоннинг кадр-қиммати” маъносида қўллаб, уни камолотга етишиши, бирор нарсага бўлган муносабатининг ифодаси сифатида қарайди.

Афлотун асарларида гоё, идеал, ҳақиқат ва қадрият бир-биридан ажратилмаган. Ўрта асрларга келиб еса инсон Шарқ ва Ғарб Худо, Аллоҳ номи билан иш кўрган. Демак, илоҳий қадриятларга эътибор катта бўлган. Бугунга келиб еса диний қадриятлар билан уйғунлашиб кетмоқда.

Немис қадриятшуноси Г.Риккерт фалсафа қадриятлар ҳақидаги фан эканлигини таъкидлайди. Риккерт қадриятларни ўрганиш тўғрисида кўпроқ маданият ва анъанавий гўзал қадриятларга эътибор бериш кераклигини таклиф қилади. И.Кант одам ҳақиқатни излаш учун фикрлашини уқтириб, ҳақиқатни гўзаллик ваяхшиликка бўлади. Ҳақиқат баҳс орқали туғилади, қадрият еса ақл билан яратилади, дейди файласуф. Шарқ мутаффақкири Абу Ҳамид Ғаззолий инсон фақатгина тафаккур орқалигина дунёни англашини уқтиради.

“Қадрият” тушунчаси Шарқ ва Ғарбда қадимдан қўлланилганига қарамай, XX асрга келибгина файласуфлар у тўғрисида таълимотни рувожлантира олдилар. Чунки XX асрда қадриятлар ҳақидаги таълимотнинг рувожланиши учун барча имкониятлар вужудга келди.

Фалсафа қомусий луғатида “Қадрият- воқеликдаги муайян ходисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маънавий-маданий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунча. Жамият ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсани ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий хислат ҳамда фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ҳисобланади”, - деб қайд этилади. Демак, “қадрият” фалсафий категория, тушунча сифатида муайян моддий ва маънавий ҳодисалар, шунингдек, уларнинг айрим хусусиятлари ифодасидир. Бу ҳодисалардан жамият ўзининг амалий эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланади. Инсоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, эстетик жиҳатлардан оламга бўлган муносабатини ифодаловчи тушунчалар ҳар хил шарҳланиб келинмоқда.

Қадрият шакллари орасида қонуний, зарурий уйғунлик мавжуд бўлиб, улар доимо диалектик алоқадорликдадир. Кундалик ҳаётда фаол қўлланиладиган қадриятлар ибораси одамлар учун зарур аҳамият касб этадиган нарсалар, ҳодиса, объект, предмет кабиларга нисбатан ишлатилади. “Қадр” тушунчаси ўзбек тилидаги баъзи ибора ва сўзларда ўарқона фалсафий мазмун борлигидан долалат беради ҳамда серқирра маъно касб этади.

Қадриятлар ичида энг биринчи ва энг умумийси ҳаётнинг узидир, чунки ҳаётдан маҳрум бўлиш қолган барча қадриятлардан фойдаланишни йўққа чиқаради... қолган қадриятлар, аслини олганда, ҳаёт неъматларининг моҳиятидир ва маънавий қадриятлардир.

Олим Ж. Туленов фикрича эса “қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуи тушунилади”. Инсон ҳаёт бўлсагина нарсалар, табиат, бутун борлиқ, моддий ва маънавий маданият кадр-қимматига эга бўлади.

II. БОБ. Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг назарий – фалсафий масалалари .

2.1.“ Қадрият” , “ миллий қадрият “, ва “ умуминсоний қадрият “ тушунчаларининг назарий – фалсафий таҳлили.

“ Қадрият” тушунчасининг илмий истеъмолга олиб
кирилганига кўп вақт бўлмаган , аммо унинг негизи ,
инсоннинг ижтимоий фаолияти эканлиги мудом эътироф
тилган. Антик давр мутаффаккирларида “қадрият” , “кадр” ,
“кадрлаш” тушунчаларини ижтимоий борлиқ , инсон
фаолиятининг бахоси, бахоланиши бошқалар томонидан
маълум бир нормалар асосида кадрланиши тарзида
тушунганлар. Масалан Аристотелнинг фикрига кўра , қадрият
ҳодисаларга баҳо, муносабат, яхшилик ва ёвузлик
тушунчаларида талқин қилинади.

Фалсафа қомусий луғатида “ Қадрият – воқеликдаги
муайян ҳодисаларнинг умумиесоний, ижтимоий – ахлоқий,
маънавий – маданий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган

фалсафий тушунча.

Қадриятлар ичида энг биринчиси ва энг умумийси ҳаётнинг ўзидир, чунки ҳаётдан маҳрум бўлиш қолган барча қадриятлардан фойдаланишни йўққа чиқаради.

Қадриятларнинг мазмуни жамиянинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқдир. У кенг маънода маданият дунёсидир, бу эса инсон маънавий ҳаётининг ҳамма фаолиятининг қимматини белгиловчи баходир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, қадриятларни ўз моҳияти ва амал қилиш доирасига қараб бир неча шаклларга бўлиш мумкин:

1. Моддий қадриятлар- меҳнат ва меҳнат қуроллари, моддий неъматлар.
2. Маънавий қадриятлар- маънавият, маданият илмий фалсафа, ахлоқий-эстетик қарашлар, диний, тарихий, бадиий, дунёвий қимматли номоддий бойликлар.
3. Табиий қадриятлар- инсонни ўраб турган ва инсоният яшаши учун зарур бўлган табиий бойликлар, ўсимликлар, ҳайвонот олами, ер ости ва ер усти бойликлари, тупроқ, сув, ҳаво кабилар.

4. Иқтисодий қадриятлар- техника ва технология, шунингдек, меҳнат бозори муносабатлари ва ҳоказо.

5. Ижтимоий –сиёсий қадриятлар- давлатчилик, демократия.адолат, тинчлик, мустақиллик.

Миллий қадриятлар умуминсоний қадриятлардан муайян миллат ёки элатнинг манфаатлар йиғиндисини ташкил этиши билан фарқланади. Бир миллат қадриятлари бошқа миллат томонидан қабул қилинмаслиги мумкин Шунга қарамай,ҳар бир миллат бошқа миллат учун қимматли бўлган қадриятларни ҳурмат қилмоғи маънавиятдир. Зеро, маънавиятнинг асосий ўзаги – миллий, умуминсоний ва шахсий қадриятлардир. Миллий қадриятларга тўхталганда, алоҳида шахслар яратган қадриятларни эътироф этиш лозим. Алоҳида шахсларнинг қадриятлари ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарила олишини халқимиз тарихидан кўплаб мисоллар келтириб исботлаш мумкин . Масалан, Фарғонийнинг “Астрономия негизлари”, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”, Хоразмийнинг “Алгорит”и Берунийнинг “Менералогия”си Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” асари , Бухорий, Термизий, Нақшбандий, Кубровий, Яссавий кабиларнинг маънавий

меросларини келтириш мумкин.

Миллий маданият ва қадриятларнинг мазмунини билиш, уларга эътиқод қилиш, ёш авлод онгига инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантиради. Ватан бахт-саодати ва миллий истиқлолимиз йўлида фидокорона меҳнат қилишга, комил инсон бўлиб вояга етишга ундайди.

Хулоса қилиб айтганда, миллий қадриятлар бир миллат аъзолари минг йиллар давомида яратган моддий ва маънавий маданият бойликлари, миллий тил, миллий адабиёт, унинг психик ифодаси, характери, ижтимоий-сиёсий қарашлари, шарқона ахлоқий принциплари, урф-одатлари, анъаналари кабилардир.

Умуминсоний қадриятлар еса жамият тараққиёти диввомида такомиллашиб бориб, кишиларга ҳаётнинг мазмунини чуқурроқ тушиниш, ўзларининг хатти-ҳаракатларини маънавий мезонлар талабига мослаштириш имконини беради. Умуминсоний қадрият-жамият ва одамзод насли учун енг қадрли ва умумижтимоий аҳамиятга ега бўлган нарсалар, ҳодисалар, сифат, фаолият ва бошқаларнинг исми ёки номини эмас, балки уларнинг ижтимоий қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган аксиологик

тушунчадир. Ёшларимиз онгига сингдирилаётган миллий истиқлол ғояси маънавий мерос асосидаги умуминсоний қадриятга таянади.

Умуминсоний қадриятлар қлар алоҳида халқларнинг, миллатларнинггина эмас, балки башариятнинг мулкидир. Шу боис, маънавий мерос, тарихий тажриба, анъана ва урф-одатлар – баркамол авлод камолотида қадриятлар даражасига етишиши тарбия институтларининг ўрни бекиёсдир. Зеро, миллат ўз қадриятини бошқа миллат қадриятларидан айри ҳолда ярата олмайди. Миллий ўзликни англашда миллий ғоя, мафкура ва миллатга хос бўлган янгиланиш жараёнлари жадал рувожланмоғи лозим.

Ёш авлога таълим-тарбия, билим бериш, уни ижтимоий ҳаёт ва фаолиятга тайёрлашнинг асосий мезонларидан биридир. Таълим тарбия орқали ёшларнинг миллий қадриятлар сирасига кирувчи ахлоқий фазилатлари шаклланади, жамиятдаги ғоявий, мафкуравий жараёнларга нисбатан муносабати ўзгаради ва баркамол шахс бўлиб етишишида имкониятлар пайдо бўлади. Шехснинг ижтимоий мавқеини аниқлашда, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тизимини ислоҳ қилиш, ижтимоий тартиб ва

барқарорликни кўллаб-қувватлаш, иштимой назоратни амалга оширишда таълим-тарбия жараёни муҳим аҳамият касб этади.

Ислом Каримов оила қадриятлари ёшларнинг баркамол инсонлар бўлиб шаклланишига алоҳида аҳамиятга егалиги, халқимиз мустабидлик даврида ҳам ўз қиёфасини унутмагани, инсонийлик ўзбек халқи қадриятини асоси эканлигини таъкидлайди.

Ҳар қайси мамлакат, энг аввало, ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан қудратлидир. Мустақиллигимизнинг бошидаёқ юртимизда иаъний меросга асосланган қадриятларни тиклаш, маънавий ва маърифат ишларига алоҳида аҳамият бергани муҳимдир.

Ўзбекистонда умуминсоний қадриятларга ҳурмат азалий миллий ёндашув саналади. Халқимизга хос бўлган меҳмондўстлик, биродарлик, дўстлик, садоқат, ҳалимлик умуминсоний ҳамжиҳатликнинг асосини ташкил этади. Умуминсоний манфаатларга миллий тикланиш ғоясининг уйғунлашуви истиқлолга еришган ватанимиз ташқи ва ички сиёсатининг ўзагини ташкил этади. Миллий ўхликка егалик, озодлик, ҳурриятни қўлдан бермаслик, уни олий қадрият деб билиш миллий

менталитетимизнинг негизидир.

Шу боис, ёшларни езуликка йўғрилган қадриятлар асосида тарбиялаш, уларга ватанпарварлик ғояларини сингдириш муҳимдир. Ватанпарварлик, енг аввало, давлатимиз рамзлари байроқ, мадҳия. Гербимизда ўз ифодасини топган. Тил орқали еса юртимизни улуғлаймиз, ёшларимизни унинг қадрига етишга чақирамиз. Рамзларда халқимизнинг орзу-умидлари, ҳаёт йўли, урф-одатлари, табиатга бўлган муносабати, қадриятларига содиқлиги, меҳр-муҳаббати қабила ўз аксини топган.

Ватан она алласига йўғрилган бешикдан бошланиб, ота-онани танлаб бўлмаганидек, Ватан ҳам танланмайди. У Ватанни севиш, ардоқлаш, тараққий етишига ҳиссасини қўшиш имкониятига ега. Шу орқали у ҳаётда ҳам ўзига, ҳам оиласига бахт бера олади. Халқимизда ота-она қанчалик улуғланиб, ардоқланса, туғулиб ўсган Ватан шу нчалик қадрлидир.

Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат ўзбек менталитетига хос хусусиятдир. Шунинг учун ҳам ёшлар онгига миллигимизга хос бўлган ор-номус, миллий ғурур, меҳрибонлик, виждонлилик, садоқат, меҳмоедўстлик, аҳиллик, ота-боболардан фахрланиш,

насл-насабини улуғлаш каби ватанпарвар бўлишга ундайди.

“ Ўзбекистон танлаган йўл – умуминсоний ва умумеътироф етилган демократик қадриятларга еришишга қаратилган, кўп асрлик маданиятимизнинг энг сара ютуқлари, миллий анъаналаримиз” аجدодларимиз динига бўлган садоқатимиз билан уйғунлашиб кетган йўл – биз учун ўзгармасдир. Ёшлар тарбиясида барқарор қадриятларнинг аҳамияти катта.

Ёшларимиз орасида баъзида лоқайд , ижтимоий, тараққиётнинг ўзига хос томонларидан беҳабар, худбин, мустақил фикрдан йироқлари ҳам учраб турадики, айнан шулар орасидан оммавий маданиятга берилиб, ўзлигини унитаётганлар, гиёҳвандлар, ичкиликка берилганлар чиқаётгани ачинарли ҳолдир. Албатта, ёшларнинг бундай йўлларга кириб кетиши жамиятимиз ва ижтимоий тараққиётимиз учун катта хавфдир. Чунки ёшлар жамиятимизнинг таянчи экан, нафақат уларнинг жисмонан соғломлиги, балки руҳан маънавий соғломлиги ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Қадриятларни теран англаган ёшлар ота-оналари яратиб берган имкониятлар ва шароитлардан фойдаланибгина қолмай, ўзлари ҳам келажаклари учун ҳаракат қиладилар. Бу борада мукамал билим

олиб, уни ҳаётга тадбиқ эта билиш катта аҳамиятга егадир.

Қадриятлар уйғунлиги инсоннинг комил инсон даражасига етиш учун интилишида, эркин яшашида , фаровон ҳаёт кечиришида алоҳида восита ҳисобланади. Қадриятларни асраб-авайлаш, ривожлантириш ижтимоий тараққиёт учун муҳимдир. Халқимиз азал-азалдан ўтган аجدодларини, ўтмишга айланган ҳаётининг есда қолган айрим ижобий қирраларини эслаб, бу ҳолатни энг азиз ва муқаддас туйғу-хотира деб атайди. Чунки, Президентимиз таъкидлаганларидек. Тарихий хотирасиз келажакни тасаввур қилиш қийин. Хотира бизга ўтмишни еслатиб , сабоқ берибгина қолмай, ўтаётган ҳар бир куннинг қадрига етишни ҳам ўргатади.

Демак, ҳаёт тарзини ўзгартириш учун тафаккурни ўзгартириш керак. Ёшлар ўз фикрлаш тарзига ега бўла борган сари ўзлигини, маънавий меросимизнинг аҳамиятини англай бошлайдилар. Шунинг учун аввало ёшларда фикрлаш қобилиятини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш керак. Донолик инсонни шаҳардаги ўнта ҳукмдордан қудратлироқ қилади. Инсон яхлит бир менга етиши керак. Ўзликни таниш дегани ана шу. Нафсни йўлга солгандан кейин ахлоқий меъёرنинг қадри ошади.

Шундай қилиб, истиқлол даврида эришилган энг катта

ижтимоий тараққиётдаги ютиқ бу миллий ўзликни англаш даври бўлди. Аждодларимизга хос меҳнатсеварлик, адолатпарварлик, ҳалоллик, инсонпарварлик миллий истиқлол ғояси орқали ёшларга етказилмоқда ва шакллантирилмоқда. Мустақилликни асраш ва уни тараққий эттириш эътиқодли, элим деб , юртим деб яшаётган ҳар бир инсоннинг юрагидан жой олмоқда. Миллий ўзликни англашда янги кадриятларнинг ўрни муҳимдир. Уларни халқимиз ўзининг эҳтиёжларига мувофиқ умуминсоний кадриятлар билан уёғунлаштирилмоқда. Қаўсидир халқ учун кадриятли бўлган воқеа, жараён ,нарсa предмет бошқа миллат учун аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Маънавий маданияти юксак ўзбек халқининг кадриятлари ҳам аждодлари мероси каби юксакдир. Кадриятларни халқнинг ижтимоий онгидан , маънавияти ва маданияти ҳеч қачон сиқиб чиқариш мумкин эмас.

Ўзбекистон жамиятининг маънавий янгиланиши жараёнида халқимиз онгида юксалиш рўй берди. Зеро, мустақилликнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашда миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлиги муҳим аҳамиятга эга.

Рувожланаётган дунёда миллий ва умуминсоний кадриятларга уйғунлашишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Зеро, глобаллашув

жараёнида четдан кириб келаётган қадриятлар ёшларимиз онгига ўзининг ижобий таъсири билан биргаликда салбий таъсирини ҳам ўтказмоқда.

Бу ёшларга “оммавий маданият” нинг таъсирида янада яққолроқ кўзга ташланади.

2.2. Миллий ва умуминсоний қадриятлар.

Мустақиллик шарофати билан ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, хусусан маданият соҳасида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. «Биз барпо этаётган янги жамият маънавий ва ахлоқий қадриятларга таянади ва уларни ривожлантиришга катта эътибор қаратади. Бу жараён миллий истиқлол мафкурасига, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга асосланади», - дейди И.А. Каримов.¹

Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг маданияти, урф - одат ва анъаналарини ривожлантириш, уларга берилган имконият ва шароитларни янада кенгайтириш - давлат сиёсатининг муҳим йуналишини ташкил этади. бу бежиз эмас, албатта. Ҳаёт сабоқлари шундан далолат берадики, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар, аввало уни маданиятидан,

¹ И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.,

тарихидан, ўзлигидан жудо қилишга интилади. Бу ёшларга ҳам дахлдордир.

И.А. Каримов «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, «Агарда кимда-ким бизнинг мустақил тараққиёт йўлимиздаги орзу - мақсадларимизга эришиш йўлини, янги жамият қуриш йўлини тўсмоқчи бўлса, аввало, хали суяги қотмаган, мустақил дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларимизнинг қалби ва онгининг мўртлигидан фойдаланиб, уларнинг маънавиятини бузиб, бизнинг азалий табиатимиз ва муқаддас одатларимизга мутлоқо зид бўлган ғоялар билан чалғитиб, ўзининг ғаразли ва жирканч ниятларини амалга ошириш йўлида қурол қилиб олишга интилади»¹

Мана шундай уринишлар ва тажовузларнинг олдини олиш учун бугунги миллий тараққиётимизга хизмат қиладиган умуминсоний кадриятлар билан бир қаторда миллий маданиятимизни, урф-одат ва анъаналаримизни ҳамда маънавиятимизни ҳар бир инсоннинг, айниқса ёш авлоднинг онги ва қалбига жо этиш катта аҳамият касб этади.

Ўзбекларнинг инсонни лол қолдирадиган ажойиб амалий

¹“Ўзбекистон”, 2000, 23-бет.

санъати, юксак бадий дид ва махорат асосида ишланган хунармандчилик буюмлари билан қадим замонлардан бошлаб ҳозиргача ҳам дунё халқлари ўртасида шон-шухрат қозониб келмоқда. Хунармандчилик санъати халқимизнинг авлод-аждодлари томонидан сақланиб келаётган мероси, бебаҳо қадриятдир.

Ўзбек халқининг амалий санъати, хунармандчилик илдизлари узоқ ўтмишга бориб туташади. Ўзбек халқ хунармандчилиги тарихига ҳозирги замон нигоҳи билан назар ташлайдиган бўлсак, манбалар, ўтмишдан сақланиб қолган ёдгорлик ва обидалар эрамиздан аввалги мингинчи йилларда яратилган санъат дурдоналаридан гувоҳлик беради. Авлод-аждодларимиз қадимдан наққошлик, ўймакорлик, тикувчилик, заргарлик, зардўзлик, гиламдўзлик, мисгарлик, сангтарошлик, мусиқа асбобларини яшашга ва бошқа соҳаларда катта махорат кўрсатганлар. Улар нозик ва гўзал, жаҳонда тенги йўқ нақш устаси бўлганлар, фақат ёғочга эмас, шунингдек, мармар тошга, металга ўта нозик ва гўзал нақш солганлар, ранг-баранг гуллар солиб гилам ва матолар тўқиганлар. Буларга қараб ота-боболаримиз, момоларимизнинг махоратлари ва

¹ “Фидокор” газетаси, 2000 йил 25 январь.

дидларига қойил қоламиз.

Ёшлар бизнинг келажагимиз, уларни қандай тарбиялаб, таълим берсак келажагимиз ҳам шундай бўлади. бу ўринда Президентимиз: «Келажакда Ўзбекистан юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жихатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим. Мамлакатимиз мард, фидойи кишилар юртига, меҳрушавқат, муҳаббат барқарор бўлган, тафаккур ва ижод қайнаган муқаддас маконга айланишига аминман»¹ деган сўзлари таълим-тарбия соҳасини мамлакатнинг ривожланишидаги устивор йуналишлардан бири эканлигидан далолат беради.

Республикамизнинг мустақилликка эришиши билан таълим-тарбия соҳасига қатор янгиликлар ва шу билан бирга хал этилиши зарур бўлган муаммолар юзага келди. Айрим талаба ёшлар орасида ахлоққа меҳнат, билим олишга нисбатан муносабатнинг юзакилашиб бораётгани, таълим-тарбия жараёнида баъзи бир камчиликларга йўл қуйилиши сабабли улар орасида безорилик, ахлоқсизлик каби салбий ҳолатлар учраб турибди. Бу борада

¹ И.А.Каримов. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. “Маърифат” газетаси.

Президентимиз: -«Миллий мафкурани онгимизга сингдирувчи амалий тарбияни йўлга қўймоқ керак. Янги мафкуранинг асл мазмуни — янгича эрикни фикирлай оладиган, мутелик ва журъатсизлик тўғрисида мутлако ҳоли, мустақил инсонни тарбиялашдир»¹ - деб таъкидлаганлар.

Тарбия - бу шахснинг ижтимоий, маънавий ва ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрлаш мақсадида унинг маънавий жисмоний камолотига мунтазам равишда таъсир кўрсатиш жараёнидир. Ўрта таълим ва янги турдаги замонавий ўқув муассасаларида тарбия жараёнини таҳлил қилиш, унда юз бераётган қарама-қаршиликларни аниқлаш, педагогика ва психология фанларининг асосий вазифаларидан биридир. Тарбия жараёнининг асоси бўлган ахлоқий тарбия муаммолари ва уларнинг ҳал этиш вазифаси эса бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, унда янги турдаги ўқув муассасалари, миллий кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор берилиши юқорида санаб ўтилган вазифалар билан узвий боғлиқдир. Жумладан, Ўзбекистан Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ IX сессиясида

миллий кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва фаолият кўрсатишнинг асосий тамойилларида таълим тизимининг тузилиши ва мазмуни жиҳатидан ислоҳ қилиш учун талаба ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш кабиларга алоҳида ўрин ажратилган.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да ҳам умумлаштирилган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва бугунги кун талабига жавоб бера оладиган фаолиятни таъминлашга алоҳида эътибор берилади.

Бугунги кунда кўп йиллик тарихга эга бўлган миллий ахлоқимизнинг азалий мезонларини тиклаш орқали халоллик, тўғрисиўзлик, ор-номуслилик, иффатлилик, инсонпарварлик, ҳамжамиятлилик, ватанпарварлик, фидоийлик, садоқат каби кўпдан-кўп гўзал инсоний фазилатларни камол топтириш вақти келди. Тарбиявий чора-тадбирлар, йўл ва усулларнинг марказига ўз миллий манбаларимизга, иймону-эътиқодимизга, кадр-қимматимизга мувофиқ келадиган ахлоқий талабларни ёш авлод олдига қуйишимиз зарур.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, 1992, 75-бет.

Инсон ҳуқ ахлоқи, хатти -ҳаракатларини тартибга солиш ва бошқаришда ижтимоий одатлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Ахлоқ ҳуқ намуналарининг кўп марта такрорланиши киши сезгисини мустаҳкамлайди ва уларда одат тусига киради. Шахс ҳуқ - атвори, одобини тартибга солишда турли тарбиявий методлардан ташқари миллий урф - одатларнинг ҳам хизмати катта бўлиб, улар онгни ортиқча зўриқишдан холи қилади ва кишилардаги истак ва мақсадлар муштараклигини юзага келтиради. Маънавий киёфани таркиб топтиришга асос бўлади.

Республикамизда яшаётган турли миллат вакиллари машаққатли ва тараққиёт сари олиб борадиган нурли йўлни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ қолган ҳолда босиб ўтдилар.

Ўзбекистонда умуминсоний қадриятларга ҳурмат азалий миллий ёндашув саналади. Халқимизга хос бўлган меҳмондўстлик , биродарлик . дустлик , садоқат умуминсоний ҳамжиҳатликнинг асосини ташкил этади.

Мамлакатимиздаги ижтимоий — иқтисодий , маданий-сиёсий юксалиш , миллатлараро толерантлик асосида тинчлик ва хотиржамлик , барқарорликни соқлаб қолиш йўлидаги

матонатли кураш , бағрикенглик ва виждон эркинлиги , маънавий меросимизни тиклаш , миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозла , тараққиёт сари босқичма – босқич ҳаракат ҳамиша ва ҳар қадамда умуминсоний манфаатлар билан интеграллашув негизида амалга ошириб келинди.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ республикаимиз раънақига энг катта тўсиқ – бу ғоявий бўшлиқ эканлиги ҳар қадамда сезилади. Бугун жамиятимизда инсон камолоти, ёшларимизнинг ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида соғлом муҳит ва кенг имкониятлар яратилмоқда. Мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида миллийликка асосланган диний қадриятлар фарзандлар онгига сингдирилмоқда. Аммо маълум бир сабабларга , айниқса “оммавий маданият” таъсири остида ахлоқсизлик, ота-онага нисбатан лоқайдлик, катталарга нисбатан ҳурматсизлик, худбинлик қабиладарнинг авж олаётганига диний билимсизлик ҳам сабаб бўлаётгани сир эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш ёшларимиз онгига миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини сингдиришда муҳим аҳамиятга эга:

- ёшларимиз онгига нафақат дунёвий билимларни, балки миллий ва диний билимлардаги эзгу қадриятларни сингдиришни кенгроқ йўлга қўйиш;

- миллий қадриятлар асосидаги урф-одат, анъана ва маросимларни мустақиллик даврида шаклланган янги қадриятлар билан бойитиш;

- миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини ҳалоллик, бағрикенглик, миллатпарварлик, ватанпарварлик, ахлоқийлик, илм-фанга ва ватанга фидоийлик каби тушунчаларни тарғиб қиладиган асарлар, видеофильмлар, кўрсатув, ешиттириш ва тадбирлар орқали ёшларимизга сингдириш;

- жамиятнинг маънавий янгиланишида Марказий Осиё Уйғониш даври мутаффакирларининг маънавий ва илмий меросидан, жаидчиларимизнинг сабр – тоқат билан эришган ютуқларидан унумли фойдаланиш;

Оилалар ва ўқув юртлари ҳамкорлигида маҳаллаларда миллий қадриятлар аҳамиятини таҳлил қилиб берадиган тадбирлар ўтказиш;

- ёшларга ҳаётнинг ўзи энг буюк қадрият эканини таълим

ва тарбия уйғунлиги асосида англантиб, инсон жисмонан ва маънан соғлом бўлсагина олдида турган барча мақсадларга эриша олиши тўғрисидаги услуб ва воситаларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Айни пайтда ўзбек миллий маданияти , маданий меросининг неча асрлар давомида умумжаҳон маданий мероси даражасида қарор топганлигини дунё эътироф этмоқда эъзозламоқда. Аجدодларимиз яратган эзгу ва муқаддас қадриятлар рувож топиб, инсониятнинг келгуси тараққиётига ижобий таъсирини кўрсатиб , халқларни маънавий ва руҳий жиҳатдан буюк ўзгаришларга тайёрлаб келади.

Маърифатга интилиш халқимизнинг азалий фазилатларидан бўлгани сабабли мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсади ҳам маърифатли, маънавий баркамол шахсни тарбиялашдир.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун олиб борилаётган ислохотлар, аввало, Ўзбекистонда фуқоролик жамиятни қуриш ва унинг равнақи йўлидаги саъйҳаракатлардир. Юртбошимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: “Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши

керак – биз юртимизнинг эртанги ривожини йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлсин, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди”. Етук мутахассис миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида шаклланиши, оила, жамият, Ватан олдидаги маъсулиятни теран англайдиган шахслар бўлиб етишиши катта аҳамиятга эга ва бугуннинг талабидир.

Жамиятнинг маънавий янгилиниши шароитида ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини қакллантиришнинг истиқболларини белгилашда қуйидаги тамойилларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

-ўзбекона миллий қадриятларнинг бетакрорлиги ва инсонпарварлиги;

- миллий қадриятларнинг асрлар синовидан ўта олганлиги;

- миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига эътиборнинг кучайиши;
- диний қадриятларнинг миллий қадриятларга боғланиб кетгани;
- ижтимоий тараққиёт жараёнида миллий қадриятларнинг сайқалланиб бориши;
- таълим ва тарбия уйғунлигига қадрият сифатида қаралаётганлиги;
- инсоннинг энг олий қадрият эканлиги;
- маънавий мероснинг қадрият сифатида эъзозланаётганлиги ва ҳ.к.

Демак, миллий тараққиёт қадриятларга бўлган эҳтиёжни мудом аниқлаштириб боришни, миллий ва умуминсоний қадриятларга диалектик нуқтаи назардан ёндашишни тақозо этади.

2.3. Умуминсоний қадриятларнинг ёшлар ҳаётидаги ахамияти.(Хофизлик одоби мисолида)

Ашулачилик малакалари ана шундай кўплаб элементларни одат тусига киритиш орқали юзага келади. Шундай хусусиятлардан бири унли товушларни шакллантиришидан иборатдир. Халқ

қўшиқларини куйлаш услубида унлилар ўзига хос бир оз очикроқ тарзда куйланади. Бўлажак бакалаврларни тайёрлашда халқ услубида ҳам қўшиқларни пардали қилиб, маданийлаштириб куйлашга ўргатиш муҳам аҳамият касб этади. Айниқса «а», «э», «и», «о», «у», «ў» харфларининг талаффузи устида тинмай иш олиб бориш натижасида уларга унли ҳарфларни тўғри, маданиятли қилиб куйлаш малакаларини сингдириш мумкин бўлади. Талабалар бу малакани ўзларида шакллантириб олишлари учун унлилар талаффузи ҳар доим куйлаганларида уларнинг диққат-эътиборида, қатъий назоратда бўлиши керак. Ана шундагина бора-бора улар унлиларни хаддан ташқари очик куйлаш маданиятсизлик белгиси эканлигини сеза бошлайдилар ва унлиларни тўғри куйлашга одатланиб борадилар.

Миллий маънавият ва маърифатимизни ривожлантиришда халқимизнинг умрбоқий санъат тарихини кенг тарзда ёритиш, мусиқа меросимизни ўрганиш ва санъат севар халқимизга етказиш муҳим ўрин тутди. Айниқса, ўлмас меросимиз устоздан-шогирдга ўтиб келган халқ анъанавий ижрочилик мактаби бу борада асосий манба саналади.

Халқ мақом санъатининг улкан билимдони устоз Юсуф қизик

Шакаржонов «миллий мусиқа санъатимиз бамисоли бир дарахт бўлиб, унинг томири Хоразм, танаси Бухоро, шохлари Фарғонадир» деб, таъриф берган.

Устознинг бу гапларида улкан маъно ётади. Тарихни манбаларга, билимдон устоз санъаткорларнинг фикрига ҳамда илмий тадқиқот ёзувларига қараганда, халқ мусиқасида ўн икки (дувоздах) мумтоз мақом ривожланиб келган бўлиб бу ўн икки мақом хижрий йилнинг ўн икки ойига мослаб ижро этилган. Кейинчалик ушбу мақомлар тўрт фаслга бўлиниб, чор мақом таркиб топган деган фикрлар ҳам мавжуддир. Келажакда санъатшунос ва тарихчи олимларимизнинг илмий изланишлари натижасида мусикий меросимизнинг янгидан янги қирралари очилади, албатта халқимиз бундан бахраманд бўлишига ишончимиз комил. Ўтмишда нота ёзуви бўлмаганлиги сабабли устоздан-шогирдга, оғиздан-оғизга ўтиб ижро этиб келинган «Шашмақом»ни ва бошқа мавжуд халқ мумтоз қўшиқ ва куйларни нотага олишдек ишни улуғ санъаткор Ўзбекистон Халқ артисти, академик Юнус Ражабий ўз шогирдлари билан олиб борган узоқ йиллик сермашаққат ижодий изланишлар натижасида амалга оширди.

Қадимдан ҳофизлик – муқаддас касб саналган. Ислом оламида

муқаддас китобимиз бўлмиш. «Қуръон» оятларини дилга жо қилиб, унинг зери-заварлари билан ёддан ижро этган алломаларни «Ҳофиз Қуръон» деб юритганлар. Мумтоз устоз ҳофизларимиз ислом назарий билим самараларидан ҳамда бадиий шеърятдан мукаммал хабардор бўлганлар. Улар ижро этган қўшиқлар нихоятда таъсирчан бўлиб, тингловчи ва барча томошабинларни ўзларига ром этаолган. Уларни улуғ шоирларимизнинг бекиёс маънога эга бўлган ғазалларини куйга солиб ижро этган қўшиқлари учун «Ҳофиз» деган номга мушарраф бўлиши ҳам қандайдир рамзий маъно касб этиши табиийдир.

Ўша даврда нота ёзуви ривожланмаган бўлиб, оврупа муסיқа терминлари ўрнида ҳофизларимиз овоз маромига қараб, «Гуллиги», «Бинниги», «Шиками», «Хонақохий» деб аталмиш ижро йўлларида фойдаланишган. Ўша давр ҳофизларининг овозлари ўктам (драматик) бақувват (лирик тенор) бўлганлиги учун улар кўпроқ «Шиками» йўлида ижро этганлар. Бу йўлда ижро этиш ғоятда мураккаб бўлиб, шинавандалар томонидан жуда қадрланган. Чунки ҳофиз товушни ичкаридан тежамкорлик билан қорин бўшлиғидан чиқариб қўшиқ айтади. Шунинг учун ҳам, «Шиками» йўли чуқур нафас олшга асосланган, типиклиги ҳамда

жарангдорлиги билан «Гуллиги», «Бинниги» каби ашаула йўлларида фарқ қилади. Устоз ҳофизлар уз ижрочилик маҳоратларини ошириш учун акс-садо берувчи махсус гумбазли биноларда машғулот ўтказганлар, шу тариқа овозларига сайқал беришган. «Шиками» йўлидан ташқари фарқ қилувчи иккинчи «Хонақоҳий» йўли бўлиб бунда ҳофиз кўшиқ сўзларини аниқ талаффуз этиб тингловчига ғазал мазмунини ифодали қилиб етказган.

Устоз ҳофизларимизни куйлаган дастуридан ҳар хил маросимларда ижро этиладиган кўшиқлар ҳам ўрин олган. Масалан, Содирхон ҳофиз мотам маросимларида куйланадиган кўшиқларни, созсиз икки кафтини қулоғига қўйгани ҳолда, аламли «Якка фарёд» тарзида «Хонақоҳий» йўлда ижро этиб келган. Муסיқашунос олим Шерали Сокиннинг маълумотларига қараганда Содирхон ҳофиз ўз ашулаларини йил фасллари ва ҳатто куннинг маълум пайтларига кўра танлаб айтган. Баҳор тонгларида «Амин насруллоҳи», «Қийик», «Қора тонг», пешиндан кейин, «Гулиёришахноз» кечқурун «Сарпарда», «Рок баланд», «Дилхирож», ва бошқаларни куйлаган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий

мафкурамизни яратиш, Халқимизнинг бебаҳо маънавий бойлиги саналмиш musiқа меросимизни ўрганиш муҳим ўрин тутади. Ўлкамизда ижрочилик санъатининг мураккаб туркумлари авлоддан-авлодга оғзаки равишда ўтиб келган. Анъанавий ижрочиликда ҳофизлик муқаддас касб саналиб, Халқимиз ўз ҳофизларини ҳамиша ардоқлаб келган. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида, асримизнинг бошларида ва ўрталарида анъанавий қўшиқчилигимизни бутун бир авлоди таркиб топди.

Олийгоҳларда таълим-тарбия олаётган истеъдодли, ижодкор ва ташаббускор ёшлар истиқлолга эришган юртимизни - дунёдаги энг қудратли, нуфузли мактаблар қаторига олиб чиқишда ўз улушларини қўшишлари керак.

Юқорида айтилган назарий фикрлардан келиб чиққан ҳолда, биз ўқувчилар маънавий қиёфаси қуйидаги фазилатлардан таркиб топиши мумкин деб ҳисоблаймиз.

1) Ватанпарварлик. Ўз Ватанининг мустақиллигини асраб авайлаш, унинг йўлида фидокорона меҳнат қилиш, Ватан химоясига тайёр бўлиш, Ватан тарихи ва маданиятини билиш, ўз Ватани билан фахрланиш.

2) Одоб- ахлоқли бўлиш. Салом-алик одобини билиш,

катталарга хурмат муносабатида бўлиш, тенгдошларига самимий муносабатни намоён қилиш.

3) Хушмуомала бўлиш. Кишилар билан мулоқот қилиш одоби, турли вазиятларда ўз хушмуомалалиги билан муаммоларни хал қила олиш.

4) Меҳнатсеварлик. Олдига қўйилган мақсадга эришиш йўлида бор кучи ва имкониятини аямаслик, жамоат ишларида фаол иштирок этиш.

5) Инсонийлик. Ота-онани эъзозлаш, катталарга ва аёлларга хурмат кўрсатиш, ёрдамга мухтожларга ихтиёрий равишда кўмаклашиш, инсонпарварликка қарши бўлган хатти-ҳаракатларга муросасиз бўлиш.

6) Жонкуярлик. Ўз манфаатларини кўзламаган ҳолда бошқаларга ёрдам қўлини чўзиш, барча ишларга сидқидилдан ёндашиш ва кучини аямаслик.

7) Дўстлик. Дўстлик ва ошноликни ажратиш, ўз дўсти учун жонини ҳам аямаслик ва унга ёрдам бериш, дўстлик ришталарини умрининг охиригача узсмалик.

8) Камтарлик. «Камтарга камол» мақолига риоя қилиш, ўз билими, куч имкониятларини кўз-кўз қилмаслик, ўз устида ишлаш,

Ўз билими ва имкониятларини кенгайтириш.

9) Маънавий бойлик – Ўзбек халқининг урф-одатлари маданияти, санъати, ёзуви ва ёдгорликларига хурматда бўлиш, уларни арсаб-авайлаш уларнинг тарихини билиш ва бойитишга ўз хиссасини қўшиш.

10) Интизомлилик. Жамият қонун - қоидаларга риоя қилиш, катталар буюрган ишни тез ва аниқ бажариш, жамоада интизомни юксак даражада бўлиши учун курашиш.

11) Фаоллик. Ташуббузкорлик ва ташкилотчилик қобилиятларини намоён қилиш, оптимист, яъни келажаги порлоқ эканлигига ишониш ва унга қараб ўз хатти- ҳаракатлари билан интилиш.

12) Мақсад сари интилиш. Аниқ, катта ишларни бажаришни мақсад қилиб қўйиш; шу мақсадини амалга ошириш учун катъиятли, ўз идеали ва дунёқарашига содиқ қолиш.

13) Байналмилаллик. Ўз халқи ва бошқа халқларнинг тарихи, санъати ва маданиятига яшаш тарзига қизиқиш, байналмилал характердаги тадбирларда иштирок этиш, ўзга мамлакатларнинг меҳнаткаш халқига қардошларча ёрдам тадбирларида қўлдан келганича қатнашиш.

14) Ростгуйлик. Сўзи билан иш бирлиги, тўғрисиқлик, ўз хатолари ва қилмишларини ихтиёрий тан олиш.

15) Ишбилармон, тадбиркор бўлиш. Иқтисодий тафаккурни шакллантириш, ҳаётга тадбирона муносабатни кўрсата олиш.

16) Оилани мустаҳкам, сақлаш руҳида тарбияланиш, оила жамиятнинг негизи эканлигини англаш. Оилавий муносабатлар ҳақида билмга эга бўлиш.

| 17) Ор-номусли бўлиш. Қилган салбий хатти ҳаракатларни тан олиш. Уларни тўғрилашга ҳаракат қилиш. Ўз ўзини назорат қилишни шакллантириш.

18) Соғлом, жисмонан етукликка интилиш. Спорт тўғрисида қатнашиш.

19) Масъулиятни ҳис этиш. Ижтимоий бурчни англаш. Жамият, Ватан, оила, мактаб, дўстлар олдидаги масъулиятни англаш.

20) Виждонлилик. Бировнинг ҳақида хиёнат қилмаслик. Виждон азобида ёнмаслик учун юқоридаги фазилатларни ўзида шакллантириш.

Юқорида келтирилган мезонларни ўзида мужассамлаштирган ўқувчигина «Маънавий етук» шахс деб қабул қилиниши мумкин.

Ҳофизлик санъати қадимдан муқаддас касб саналиб, авлоддан-авлодга, устоздан шогирдга анъана сифатида ўтиб келган. Шунинг учун устозга нисбатан ҳурмат ва ахлоқий одоб ҳофизликнинг асосий қондаси, ҳамда мажбурий талаби саналади. Умуман санъаткорлар, шоирлар, илм ахллари, бир-бирларига бўлган муносабатга, шахсий ижодлари ва қолаверса ўз шогирдларига ҳурмат билан қарашган, ҳамда «Устоз отангдек улуғ» дейилган халқ иборасига доим амал қилишган. Маълумки ғазал билан куйнинг ҳамоҳанглигидан қўшиқ яралади. Варақларга битилган жонсиз сўзларга муסיқий оҳангдан қанот бағишланади, натижада умрбоқий қўшиқлар дунёга келади. Шунинг учун устоз ҳофизлар шеърятдан яхши хабардор бўлганлар, қўшиқни ижро этишда ғазалнинг вазнига, мазмунига, унинг талаффузига катта эътибор берганлар. Уларнинг таъкидлашича шундай ғазаллар борки унинг қофияси, ёки бирон сўзи, хатто бир ҳарф алмашиб қолса ғазал маъноси бузилиб кетар экан. Ижрочи ҳофизларнинг синчковликлари натижасида халқимиз ўртасида юзлаб умрбоқий қўшиқлар дунёга келган ва улар ҳозиргача севиб куйланиб келинмоқда.

Ёш ижрочи ҳофизларнинг диққатини яна бир нарсага жалб қилишлик зарурий бўлиб, бир вақтда қўшиқларни фақат дарс жараёнида қўллабгина қолмай ўрганган қўшиқларини сахнада томошабин иштирокида ижро этишга эътибор бериш катта аҳамиятга эга.

Анъанавий қўшиқларимизнинг аввалдан халқимиз орасида ардоқланиб, оғиздан-оғизга ўтиб куйланиб келинганлиги ва улар катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини биламиз. Мумтоз қўшиқларимиз миллий тафаккурни маънавий камол топтиришда асосий восита деб саналган. Халқнинг оғир кунларида ҳам, шодлик, хурсандчилик кунларида ҳам қўшиқ инсонга доимо ҳамроҳ бўлиб ижро этилиб келинган. Ғофур Ғулом айтганидек, санъат, қўшиқ, инсонларнинг тенг ярми юраги, жонидир.

Шундай қилиб миллий мафкурамиз яратилаётган даврда анъанавий ижродаги қўшиқларимизнинг ўрни бекиёсдир. Мумтоз қўшиқларимиз одамларни иймонга, эътиқодга, соф муҳаббатга, садоқатлик бўлишга, даъват этади, фарзандларимизни боғча, мактаб ёшидан бошлаб шу руҳда тарбиялашга чорлайди, зероки бундай ахлоқий, маърифий ишлар бугунги олиб борилаётган мафкурамизнинг асосий мақсадидир. Миллий-анъанавий мумтоз

қўшиқларимиз шу мақсад йўлида хизмат қилишни муқаррардир.

Ёш ҳофизлар ўз ижросида амал қилиши керак бўлган айрим қоидалар:

- ҳофизлик одоби ва хулқи асосий ахлоқий омил;
- анъанавий қўшиқчилик ижро йўллари, нафас олиш ва чиқариш услубларининг зарурати;
- қўшиқ сўзларини тўғри талаффуз қилиш ва ғазал маъносидаги ғоявий бадиийликни кўра билган ҳамда чуқур тушунган ҳолдагина ижрога кириш;
- ижрочи ҳофизнинг овоз қамрови (диапазони)га таянган ҳолда қизиқиши, қобилияти ва хохишига қараб қўшиқ танлаш;
- ижрочи ҳофизлар анъанавий қўшиқларни ижро этганда ижрода ўз ижрочилик услубига эга бўлишга эътиборини қаратиши зарурлиги;
- дарсда ижро этган қўшиқларни концертларда ижро этиш билан тингловчиларнинг хулоса, фикр ва мулохазаларига эътиборни қаратиш;
- анъанавий ижродаги қўшиқларни ёш авлоднинг маънавий камол топтиришидаги тарбиявий аҳамиятига эътиборни кучайтириш ва шунга ўхшаш яна бир қанча муҳим бўлган шарт ҳамда талаблар

бўлғуси ижрочи-хофизнинг ва бўлғуси мусиқа ўқитувчиларини касбий вазифаси бўлиб хизмат қилади.

Бу борада устоз-ўқитувчилар услубий ҳамда касбий тажрибаларига таянган ҳолда бўлғуси ёш хофизларимизнинг ижодий баркамоллигига ўз хиссаларини қўшадилар.

Республикамизнинг мустақилликка эришиши миллий кадриятларимизни тиклашга, халқимиз маънавиятини кўтаришга, шахс тарбияси ва инсон камолоти ишига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор бериш имкониятларини очиб берди.

Ҳеч бир сир эмаски, жамиятнинг келажаги ёшлар билан. Ёш авлодга дунёвий илмларни чуқур сингдириш, касбга тайёрлаш билан бир қаторда уларни баодоб, хушхулқ ширин сўз камтар ва энг муҳими юксак маданиятли кишилар қилиб тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади.

Юртбошимиз мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан ўзгаришларнинг илдизи, биринчи навбатда халқимизнинг маънавий уйғонишида эканлигини таъкидлаши ҳам бежиз эмас. Зеро, маънавиятни юксалтириш инсоннинг инсонийлигини юксалтириш, унинг ижодкорлик ва бунёдкорлик салоҳиятини руёбга чиқариш демакдир.

Республикамизда юз бераётган ижтимоий-сиёсий, ғоявий-демократик ўзгаришлар миллий истиқлол ғояси ва баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим аҳамиятларидан бири миллий кадриятларимизга ҳурмат садоқат Фарғона водийси ҳофизлари ҳаётини чуқур ўрганиш ва уларга ҳурмат билан қарашдир. Буни амалга оширишда халқ анъаналари ва улар билан бевосита боғлаган халқ қўшиқлари алоҳида ўрин эгаллайди. Фарғона водийси ҳофизлари ҳаёти ва ижодини ўрганиш инсон камолотида муҳим ўрин тутди.

Ўзбек халқ анъаналари ва хусусан Фарғона водийси ҳофизлари яратган қўшиқлар қолаверса мусиқа санъати билан бевосита боғлиқ бўлган анъаналари бўлажак бакалаврларни Она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Фарғона водийси ҳофизлари ҳаёти орқали бўлажак бакалаврларни тарбиялашнинг энг муҳим шартларидан бири бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган ўзбекона юксак инсонпарварлик хусусияти дўстларга садоқат хислари Ватанга бўлган муҳаббат, меҳнатга бўлган муносабат ва ўз орияти, номуси, виждонини покиза сақлаш юксак ахлоқий хусусиятлардан иборат.

Халқимизнинг миллий қўшиқларини ўзбекона оҳангда

безаклар билан бойитиш, «нола», «қочирим», «хониш», «нолиш», «салмоқ» тарзидаги оҳангларда фойдаланиб куйлаш муҳим ўрин тутади. Уста шогирд анъаналари қадимдан одат тусига кириб келган ўзига хос йўналишдир. У ҳозирги кунда янгича талқин мазмун касб этган. Фарғона водийси ҳофизлари ҳаёти ва ижодини ўрганиш кишига кўтаринкилик бағишлайди. Уларнинг олиб борган ишлари ижро этган куй ва қўшиқлари инсонни фақат эзгуликка яхшиликка етаклайди. Нафақат уларнинг ижод йўллари балки оиладаги жамоадаги маҳалладаги ўринлари ҳам бекиёсдир. Қолаверса Фарғона водийси ҳофизларининг ҳаёти ва ижоди Ўзбекистонда уста- шогирд анъаналарини ва анъанавий ижрочилик санъатини ривожланишида ҳам катта ўрин тутади.

ХУЛОСА

Жамиятимизда маънавий янгиланишлар, юксалишлар жадал кечаётган , қолаверса, глобаллашув жараёни қадриятларимизга ўз таъсирини кўрсатиб турган бир пайтда , ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Маънавий меросимизга асосланган миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, уйғун ҳолда сақлаб қолиш, рувожлантириш ҳамда келгуси авлодларга етказиб бериш асосий вазифага айланган. Зеро, “ Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунини , мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў- эътиборини авваламбор фарзандларимизнинг унид-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир”.

Маънавий мерос – ёшларда ўзликни ва ўтмишдан фахрланиш туйғуларини шакллантиради. Бунинг яққол не-не даҳоларни, қаҳрамонларни, чинакам миллатсевар, ватанпарварларни , бир сўз билан айтганда , дунё тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган мунаввар зотларни камолга йетказган халқимизнинг яқин ўтмишида кўришимиз мумкин. Буюк, ўлмас қадриятларнинг яратувчиси , ижодкори бўлган , айтиб бериш пайтда , уни авлоддан

—авлодга гард юқтирмай , мўътабар қилиб етказиб келаётган халқимиз , ниҳоят узоқ давом этган истибдод занжиридан қутилди. Энг муҳими , асрлар мобайнида шаклланган , сайқалланган , миллий қадриятларга бугунги кунда егалик қилмоқдамиз. Уста-шогирдлик анъаналари устоз олдига ҳам, шогирд олдига ҳам, катта масъулият юклайди. Уста-шогирдлик анъанаси фақат хофизлар орасида эмас, балки созандалар, бастакорлар орасида ҳам, хатто оддий хат-савод ўргатиш борасида ҳам кенг қўлланиб келинган. Одатда ота ўз фарзандини устозга шогирдликка берар экан, таомил бўйича: «Суяги меники, эти сизники» деган иборани ишлатганлар. Бу сўз орқали устоз ҳар қанча қаттиққўл бўлмасин, шогирд унинг айтганларини сўзсиз ва бекаму-кўст бажариши лозим, деган мазмунни билдиради. Шогирд-устоздан нафақат илм-ҳунар ўрганиш, балки шарқона урф-одатлар, мулозамат ва мулоқотни, ахлоқ-одобни ҳам ўрганиши назарда тутилади. Баъзи шогирдлар устозининг уйида яшаб, унинг хизмати ҳақида ҳам қилиб турар эди. Ота-она эса унга кетадиган сарф-харажати ва устозга бериладиган ҳақни ўз зиммасига олар эди.

Хозирги кун урф-одатига кўра уста-шогирдлик анъанаси ўзига хос йуналишда ривожланмоқда. Хозирги кун талаби ва этикаси

илгариги талаблардан тубдан фарқ қилади. Шогирдларни устозга сўзсиз бўйсундирувчи манқуртларча эмас балки мустақил фикрлайдиган етук шахсларга айлантириш мақсад қилиб олинган.

Кўпчилик ҳолатда одатлар ва анъаналар терминлари мазмуни бир нарса деб қаралади ва уларнинг фарқига боришмайди. Улар ўртасида маълум умумийлик бўлгани каби бир-бирларидан фарқ

қилинадиган томонлари ҳам мавжуд.

Мушиқа санъати кишига бутун бир юксак туйғулар, завқ-шавқ, янги ғоялар оламини очиб беради. Одамларни маънавий жихатдан бой, соф ва баркамол қилади. Мушиқа туфайли инсон ўзида янги, илгари сезмаган куч топади, ҳаётга ўзгача муносабатда бўлади. Мушиқа инсонни ҳаётни севишга даъват этади. Бир сўз билан айтганда, инсон ўз ҳаётини, турмуш тарзи ва борлигини мушиқа санъатисиз тасаввур этолмайди. Мушиқа ва кўшиқнинг инсон ҳаётида бу қадар кенг ўрин олиши, узоқ яшаши, такомиллашиб, мазмунан бойиб ва чуқурлашиб боришининг сабаблари бор, албатта. Чунки кўшиқ инсонни меҳнат қилишга қийинчиликларни енгишга, рухан тетик, бардам бўлишга, ҳаётга ишонч билан қарашга ундайди. Киндик қони тукилган она Ватанни севишга, унинг барча бойликлари билан

фахрланишга даъват этади. Миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан бўлган меҳр-муҳаббат, фахр-ифтихорнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳам маълум даражада унга боғлиқ. Ҳар қандай давлатнинг маданияти, ижтимоий онгининг баландлиги шу халқнинг рухий соғломлиги, ақлий қуввати ва юқори даражадаги тарбияси билан белгиланади. Агар давлат ёш авлоднинг таълим - тарбиясига панжа орасидан қарса, унга сарфлайдиган маблағни иқтисод қилиб, бошқа ташвишларга сарфласа, бу ҳол жамиятни сўзсиз инқирозга олиб боради.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги юксак тараққий этган мамлакатлар даражасида гуллаб-яшнатишнинг чуқур, илмий асосланган йуналишини кўрсатиб берди. Танланган йўлнинг тўғри ва ҳаққоний эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Мамлакатимиз тараққиётидаги ижобий силжишлар мустақил Республикамизнинг «Келажаги буюк давлат» сифатида қудрати ва салоҳиятини қадамба - қадам намоиш этмокда. Зеро ёшлари билимли юртнинг келажаги буюк бўлишига ишонамиз.

Олий

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. И.А.Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: Ўзбекистан 1997 й. 63 б.
2. И.А.Каримов, биздан озод ва обод ватан қолсин. Илму-фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин. Т.: Ўзбекистан 1996 й. 261 б.
3. И.А.Каримов. «Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин.» «Тафаккур» журнали бош муҳарринининг саволларига жавоблар 1998 й. 2- сон.
4. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда юрагимизда. Т.: Ўзбекистон нашриёти. 1999 й.
5. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавоблари. Т.: Ўзбекистан 2000 й.
6. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистан 1992 й. 78б.
7. И.А.Каримов. Миллий давлатчилик истиқлол мафкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. Т.Тожиқонов, А.Саидов. Т.: Уз.Р.И.И.В.Академ. 1999 й. 673 б.
8. И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий иқтисод, сиёсат, мафкура. I жилд. Т.: Ўзбекистон 1996 й. 76 б.

9. И.А.Каримов. Ватан саждагох каби муқаддасдир. Т.: Ўзбекистон 1998 й. 2076.
10. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Т.: Ўзбекистон 1997 й. 325 б.
11. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси. “Фидокор” газетаси муҳбири саволларига жавоблар. Т.: Ўзбекистон 2000 й. 32.
12. Маънавий юксалиш йўлида. Т.: Ўзбекистон 1998 й. 480 б.
13. Ўзбекистон республикаси конституцияси. Т.: Ўзбекистон 1992 й. 48 б.
14. Ўзбекистон республикаси таълим тўғрисидаги қонун. «Маърифат» 1997 й.
15. Абу Наср Фаробий «Фозил одамлар шаҳри». Т.: Ғ.Ғулом. 1993 й.
16. Абу Райхон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Т., 1968 й.
17. Абдулла Авлоний. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ». Т., Шарқ, 1994 й.
18. Алишер Навоий. «Мабуб ул-қулуб» Т., 1987 й.
19. «Алпомиш» Т. Шарқ. 1998 й.
20. Амир Темур. «Темур тузуклари», Т. Ғ.Ғулом. 1996 й.

21. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари декларацияси. Т. Адолат, 1998 й.
22. Махмуд Хужа Бехбудий. Танланган асарлар. Т. Маънавият, 2000 й.
23. Выготский Л.С. Психология искусства. Изд. 20с исп, и доп. М.Искусства 1968г. 576стр.
24. Жалолиддин Мангуберди. Т. Шарқ, 1999 й.
25. Имом Исмоил Ал-Бухорий. Ал-адаб ал муфрид. (Одоб дурдоналари) Т.: Ўзбекистан 1990 й. 179 б.
26. Имом Исмоил Ал-Бухорий. «Хадис» IV жилдлик Т. Қомуслар. 1992 й.
27. Конфуций «Уроки мудрости» М. Наука 1992 г.
28. Кондзе Ж.Г. Народные традиции как средство гербика патреотического воспитания школьников. Автореферат. Диссертации. К.П.Н.- Боку 1987 г. 17 стр.
29. Б.Т.Лихочев. Теория и педагогическая пей-я М.Просвещение 1964 г. 325 стр.
30. И.С.Марнько Основы процесса провественного воспитания школьников М. Просвешнение 1980 г. 183 стр.
31. У.Махкамов. Аҳлоқ-одоб сабоқлари. Т. Фан. 1994 й. 135 б.

32. У.Мах.камов. Ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари. Т. Фан, 1995 й. 199 б.
33. Мирзо Улуғбек. «Тўрт улус тарихи» Т. 1960 й.
34. О.Мусурмонова. Оила-маданияти миллий ғурур (ўқув қўлланма) Т. Ўқитувчи. 1999 й. 200-б.
35. Мустақиллик: Изоҳли илмий оммабоп луғат. Т. Шарқ.. 1998 й. 336 б.
36. А.К.Мунавваров. Педагогика. ум. тах. остида. Т.: Ўқитувчи. 1997 й. 232 б.
37. Музаййана Алавия «Ўзбек халқ. маросим қўшиқлари» Т. Фан. 1974 й. 222 б.
38. С.Маннопов. Қўшиқ. олами юлдузлари. Фарғона. Т. 1996 й.
39. С.Маннопов. Олий ва ўрта махсус билим юртларининг санъат бўлимлари учун миллий анъанавий қўшиқчилик ихтисослигидан қўлланма дастур. Фарғона 1994 й.
40. С.Маннопов. Мумтоз ҳофизлар туркуми. Фарғона. 1994 й.
41. Нозик иборалар. Замахшарий Т. «Камалак» 1992 й.
42. Некоторые проблемы эстетического воспитания молодёжи средствами изобразительного и музыкального искусства

(сб. науч трудов) Т. 1983 г. 124 стр.

43. Х.Пўлатов. Мустақиллигимиз қадриятлари. Ўзбекистон миллий истиқлол мафкураси. Т.: Ўзбекистон 1999 й. 76 б.

44. Ж.Туленов. Қадриятлар фалсафаси.

45. О.Ҳасанбоева. Педагогика тарихидан хрестоматия. Т. Ўқитувчи. 1992 й. 208 б.

46. О.Ҳасанбоева, Ж. Ҳасанбоев, Ҳ.Ҳомидов. Педагогика тарихи: Ўқув қўлланма. Т. Ўқитувчи. 1997 й. 248 б.

47. О.Сафаров, М. Махмудов. Оила маънавияти. Т. «Маънавият» 1998 й. 160 б.

48. Сукомилинский ва болаларга жоним фидо. Т. Ўқитувчи. 1984 й. 260 б.

49. Соғлом-авлод бизнинг келажагимиз. Т. И. Сино 2000 й.

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	3
I БОБ. Ўқувчиларда миллий анъаналарни ўзлаштиришга бўлган зарурият.....	13
1.1. Мусиқа маданияти дарсларида миллий-маънавий эҳтиёжларни аниклаш.....	13
1.2. Мусиқа орқали миллий-ахлокий фазилатларни шакллантириш	20
1.3. Мусиқанинг инсон ва жамиятдаги аҳамияти.....	26
II. БОБ. Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг назарий- фалсафий масалалари	31
2.1. “Қадрият”, ” миллий қадрият” ва “умуминсоний қадрият” тушунчаларининг назарий-фалсафий таҳлили.....	31
2.2. Миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳақида.	41
3.3 Умуминсоний қадриятларнинг ёшлар ҳаётидаги аҳамияти. (Хофизлик одоби мисолида)	52
Хулоса.....	67
Фойдаланган адабиётлар	71